

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШЕРМАТОВ ЖАВОХИР ЗАФАРОВИЧ

**ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАР АСОСИДА ЕМИРИЛИШГА ВА ТЕРМИК
ЧИДАМЛИККА БАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шерматов Жавохир Зафарович

Техноген чиқиндилар асосида емирилишга
ва термик чидамликка бардош маҳсулотларнинг
технологик параметрларини ишлаб чиқиш 3

Шерматов Жавохир Зафарович

Разработка технологических параметров
износо- и термостойких материалов на
основе техногенных отходов промышленности21

Shermatov Javohir Zafarovich

Development of technological parameters of
wear and heat resistant materials based on
industrial wastes of industry.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШЕРМАТОВ ЖАВОХИР ЗАФАРОВИЧ

**ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАР АСОСИДА ЕМИРИЛИШГА ВА ТЕРМИК
ЧИДАМЛИККА БАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т650 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tkti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипова Мастура Хикматовна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Рахимбой Атажанович
техника фанлари доктори, профессор

Талипов Ниғматулла Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/03.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__»__соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2020 йил «__»_____ куни тарқатилган.
(2020 йил «__»_____даги №__ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Турабджанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д. (DSc)

З.А. Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинарга
раислик қилувчи, т.ф.д. (DSc)

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда ноёб физик ва техник хусусиятларга эга, емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар машинасозлик, кимё, тўқимачилик, кон - металлургия, тиббиёт, қурилиш соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Анъанавий услубда қаттиқ фазага синтезлаш орқали тоза хомашёдан керамик материаллар ишлаб чиқаришда АҚШ, Германия, Италия, Франция, Хитой ва Россия етакчи ҳисобланади.

Жаҳонда иситиш тезлигини юзлаб марта ошириш, кластер тизимда эритмалар ҳосил қилиш, бир жинсли тузилишга ва физик-механик хусусиятларига эга бўлган материаллар олиш имкон берувчи ноанъанавий гелиоматериалшунослик услуги - Қуёш Сандонида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар ишлаб чиқариш бўйича интенсив равишда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кенгайтириш, маҳаллий хомашё ва корхона чиқиндиларидан ноанъанавий услубда емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада мужассамлашган қуёш нурларининг материаллар билан ўзаро таъсири умумий қонуниятларини ўрганиш ва эритмадан синтез қилишнинг физик-кимёвий жараёнларни аниқлаш, емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар ишлаб чиқариш технологияларини ва таркибини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21-апрельдаги ПҚ-2916 сон «Чиқиндилардан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8-ноябрдаги ПҚ-3379 сон «Энергия манбаларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 21-май УРК-539 сон «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорлари ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатиш усулларини ривожлантириш» ва VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар олиш технологияси ҳамда олинган материалларни хоссаларини ўрганиш бўйича Ya.V. Grichim, W. Satochikitaoha, A.P. Goswami, H.J. Chen, W. Hinz, J. Li, E. Medvedovski, R.I. Todd, S.G. Roberts, E.C. Лукин, В.В. Смирнов, А.А. Исматов, М.Х. Арипова, Ж.Ш. Шарипов, Т.Т. Рискиев, А.А. Абдурахманов, Д.Д. Гулямова, Г.Т. Адилов, Ш.А. Файзиев, М.Х. Руми, С.Х. Сулейманов, Р.Х. Раҳимов, М.С. Пайзуллаханов, З.А. Бабаханова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан диэлектрик мустаҳкам ва агрессив муҳитга инерт хусусиятларга эга керамик материаллар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш тавсия этилган.

Шу билан бирга республика учун янги турдаги керамик буюмлар, емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли материаллар олиш, маҳаллий хомашёлар асосида, импорт ўрнини босувчи, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган таркиблар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» ИИЧБ Материалшунослик институтлари илмий-тадқиқот ишлар режасининг ФА-ФИ-Ф003 И2-ФА-0-19124 «Ғовакли ғишт учун керамик кернлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш» (2014 - 2015 й.й.) ҳамда И-ФА-2017-2-1 «Тиббиётда қўлланувчи шиша буюмлар ишлаб чиқариш линиялари учун емирилишга чидамли оловбардош керамик стержнлар» (2017-2018 й.й.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади анъанавий ва гелиоматериалшунослик услубда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар олиш параметрларини муқобиллаш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шуртан газ-кимё мажмуаси (ШГКМ) алюминийли чиқиндиси Al_2O_3 асосида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар таркибини яратиш;

юқори мужассамлашган қуёш нурлари оқим зичлигида эритмадан синтез қилинган материалларни модификациялаш жараёнини тадқиқ қилиш;

мужассамлашган қуёш нурлари оқимида эритмадан синтез қилинган материалларнинг физик-кимёвий ва механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

анъанавий ва гелиоматериалшунослик услубида керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар олиш, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини саноат

корундли маҳсулотлар билан таққослаш;

анъанавий ва гелиоматериалшунослик услубида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар олиш параметрларини муқобиллаш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти «доломит - чиқинди Al_2O_3 - каолин» таркиб системаси, емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети анъанавий ва гелиоматериалшунослик услубида билан олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар таркиби ва олинган тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида комплекс услубда масса таркибини аниқлаш, дилатометрик ва ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар, термографик, рентгенографик, электрон микроскоп ва булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда интеграциялашган тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

«Доломит - чиқинди Al_2O_3 - каолин» системасига «таркиб-ҳосса» диаграммасини қўллаш билан емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли мақбул таркиб танлаш мумкинлиги исботланган;

юқори мужассамлашган қуёш нурлари $250-350 \text{ Вт/см}^2$ оқим зичлигида тоблаш, юқори ҳароратли фазаларни фиксация қилиш ва сувда юқори тезликда совутиш (10^3 град/с) билан эритмадан синтез қилинган материалдан механик хусусиятлари модификацияланган $1 - 3 \text{ нм}$ ўлчамга эга нанозаррачалар олиш мумкинлиги аниқланган;

эритмадан синтез қилинган материалларда мужассамлашган қуёш нурлари оқимида кристалл панжараларнинг бузилиши билан метастабил ҳолат юзага келиши аниқланган ва бу орқали материалнинг биржинслилиги, емирилишга чидамлилиги ва иссиққа бардошлилиги асосланган;

анъанавий керамик ва гелиоматериалшунослик услубида массаларнинг таркиби ва қайта кристалланиш технологик усулларини танлаш орқали олинган материаллар саноат корундли маҳсулотлар билан таққосланган ҳамда емирилишга чидамлилиги $0,001 \text{ г/см}^2$ ва иссиққа бардошлилиги 49 циклгача етишлиги аниқланган;

саноат чиқиндилари асосида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар олиш муқобил параметрлари аниқланиб, ишлаб чиқиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

анъанавий ва гелиоматериалшунослик усулида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

мужассамланган қуёш нурлари оқимида эритмадан синтез қилинган керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар тайёрлаш рецептураси ва технологик

жараёни аниқланган;

«Доломит-чиқинди Al_2O_3 -каолин» системаси асосида тайёрланган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар олишнинг инновацион технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тахлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, анъанавий ва гелиоматериалшунослик усулида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар тайёрлаш рецептураси ва технологияларини саноатга жорий қилиниши, ишлаб чиқарилиш билан асослангандир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анъанавий ва гелиоматериалшунослик усулида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материалларнинг структура хоссалари, физик, физик-кимёвий ва сифат кўрсаткичлари ўртасида боғлиқликнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада мавжуд хомашёлар ва саноат чиқиндиси асосида керамик материаллар олиш ва олинган таркибларни тиббиёт ва қурилиш материаллари соҳаларида фойдаланишга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«доломит - чиқинди Al_2O_3 - каолин» таркибли керамик материаллар тайёрлаш рецептураси ва технологияси «Olmaliq g'istchisi» МЧЖда амалиётга жорий этилган («O'ZSANOATQURILISHMATERIALLARI» Ўзсаноатқурилиш-материалларисаноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 14 июлдаги №05/15-2323 сонли маълумотномаси). Натижада таннархи анъанавий керамик услубда олинган материаллардан 13,9 %га арзонлашган, электр сарфи 35-40 %-гача қисқарган, хизмат қилиш муддати 1,5 мартта ортиқ керамик втулкалар (кернлар) ишлаб чиқариш ва ВК-6 маркали металл втулкаларни алмаштириш имконини берган;

Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик стерженлар олиш технологияси «Med Standard Glass» МЧЖда амалиётга жорий этилган «O'ZSANOATQURILISHMATERIALLARI» Ўзсаноатқурилишматериаллари-саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 14 июлдаги №05/15-2323 сонли маълумотномаси). Натижада нисбий зичлиги $6,4 \text{ г/см}^3$, емирилишга чидамлилиги $0,001 \text{ г/см}^2$, иссиққа бардошилиги 49 циклдан кам бўлмаган стерженлар ишлаб чиқарилиб, Хитойдан келтирилаётган стерженларни алмаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини

чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЪЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистонда фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзусининг Материалшунослик институти ва Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқотлари билан боғлиқлигини асослайди, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар ишлаб чиқариш ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли материаллар таркиби кўриб чиқилган, ZrO_2 , SiO_2 , CaO , MgO , Cr_2O_3 , TiO_2 , оксидларнинг механик хусусиятларга таъсири тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Илмий адабиётлардаги манбалар асосида хулосалардан келиб чиқиб, диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва дастлабки хомашёлар**» деб номланган иккинчи бобида танлаб олинган маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари тавсифлари келтирилган. Танланган хомашёларнинг кимёвий ва минералогик таҳлиллари амалга оширилган. Керамик материаллар ва масса таркибларни ўрганишнинг физик-технологик усуллари келтирилган.


Диссертациянинг «**Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материаллар олиш учун масса таркибларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик материалларни маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариш учун кимёвий ва минералогик таркиби ва хусусиятларини (1-жадвал) таҳлил натижалари келтирилган.

1-жадвал

Ишлатилган табиий хомашёнинг кимёвий таркиби (масса улуши, %)


Хомашё номи	Масса миқдори, %								
	SiO_2	Al_2O_3	TiO_2	Fe_2O_3	CaO	MgO	K_2O	Na_2O	К.к.м
ШГКМ Al_2O_3 чиқинди	-	90,22	-	0,05	5,88	-	0,08	3,32	0,45
Дехқонобод доломити	0,42	0,00	0,05	0,38	40,5	12,0	0,2	0,10	46,35
Иккиламчи кулранг Ангрэн каолини	66,52	21,88	0,25	2,28	0,58	0,29	0,26	0,37	7,57

Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли таркибларни яратиш учун «таркиб - емирилишга чидамлилик» диаграммаси орқали «доломит - чиқинди Al_2O_3 - каолин» системаси ўрганилди. Анъанавий (индекс – С*ли намуналар) ва гелиоматериалшунослик (индексли – ГС**ли намуналар) услубларида олинган намуналарнинг емирилишга чидамли ва иссиққа бардошлилик кўрсаткичлари қуйида келтирилган.




1-расм. Анъанавий керамик услубда олинган керамик втулкалар (керналар) ва стерженлар учун «таркиб - емирилишга чидамлилик» диаграммаси

«Таркиб - емирилишга чидамлилик» диаграммаларидан (1- ва 2-расмлар) аниқландики, таркибида Шўртан газ кимё мажмуаси алюминий оксидли чиқиндиси минимал (10 - 20 %) миқдорда бўлган намуналарнинг емирилишга чидамлилиги меъёрлардан паст. Меъёрий кўрсаткичларга корундли материал ҳосил бўлувчи $C-11=0,045 \text{ г/см}^2$ ва $ГС-11=0,001 \text{ г/см}^2$ таркиблар эга бўлиб, чиқинди Al_2O_3 миқдорининг ортиши билан изоҳланади. Иккала услубни таққослаб, ГС-12 дан ГС-19 гача бўлган намуналарнинг емирилишга чидамлилиги С-12 дан С-19 гача бўлган намуналарга нисбатан юқори эканлиги кузатилади.




2-расм. Гелиоматериалшунослик услубда олинган керамик втулкалар (керналар) ва стерженлар учун «таркиб - емирилишга чидамлилик» диаграммаси

Синтезлар анъанавий керамик услубида олинган намуналарда, асосан конвектив усулда энергия юбориш орқали амалга оширилади. Асосий энергия ташувчилар фотонлардир. Жараён давомида мукамал тузилишга эга бўлган материаллар олинади ва тайёрланган маҳсулотлар қайта кристалланишга мойил бўлиб, уларнинг емирилишга чидамлилиқ ва иссиққа бардошлилик кўрсаткичлари гелиоматериалшунослик услубида олинган материаллар билан таққосланганда юқори эмас.



3-расм. Анъанавий керамик услубида олинган керамик втулкалар (керналар) ва стерженлар учун «таркиб - иссиққа бардошлик» диаграммаси

Гелиоматериалшунослик услубида катта энергияга эга фотонларнинг кучли оқими материалга, намуна учун мумкин бўлган метастабил ҳолатлар вужудга келгунича таъсир этиб, кристалл панжаранинг бузилиши билан 1 - 3 нм ўлчамдаги кукунлар ҳосил бўлади. Натижада, биржинслик структура ҳосил бўлиши, критик ўлчамдан юқори иккинчи даражали кристалланиш ва ёриқларнинг ўсиши чекланганлиги билан изоҳланувчи материалларнинг емирилишга чидамлилиги ва иссиққа бардошлилиги ошади. С-9 ва ГС-9 индексли намуналар учун 1550 °С олинган иссиққа бардошликнинг максимал кўрсаткичлари 3- ва 4-диаграммаларда берилган.




4-расм. Гелиоматериалшунослик услубида олинган керамик втулкалар (керналар) ва стерженлар учун «таркиб - иссиққа бардошлик» диаграммаси

«Таркиб - иссиққа бардошлик» диаграммасидан айтиш мумкинки, иккиламчи каолин, доломитнинг юқори миқдори ва чиқинди Al_2O_3 нинг

минимал (10-30 %) миқдори иссиққа сушт қаршилиқ кўрсатади ва намуналар тез ёрилиб кетади. С-9 ва ГС-9 индекслари бўлган таркиб учун 1550 °С энг яхши иссиққа бардошлиғи кузатилади - бунга сабаб, якуний жараёнда корунд ҳосил бўлишидир, корунд эса ўтиш даври иссиқлик алмашинувиға нисбатан кам сезгир ва бардошли бўлади. Куйдириш ҳарорати 1170-1310 °С бўлган намуналар учун минимал кўрсаткич қиймати кузатилади.


Гелиоматериалшунослик услубида олинган материалларнинг физик-механик кўрсаткичлари кўп маротаба ортиб боришиға материални биржинслилиғи ва нисбий зичлиғи билан эришилади. Бундай шароит емирилишға бардошлиқни таъминлаб беради ва микромуштаҳкамлиғини оширади. Синтез суюқ фазада амалға оширилади ва эритма ҳосил бўлади, натижада метастабил ҳолат юзаға келади, бу эса синтез жараёнини тўлиқ амалға ошишини ва материалнинг стехиометриясини таъминлайди. Синтез жараёни эса мужассамлашган қуёш нурлари оқими 250-350 Вт/см² зичлиғида бир неча юз марта тезлашади.

«Таркиб - хосса» диаграммасидан аниқландики (5-расм), С-9 ва ГС-9 индексли намуналар оптимал ҳисобланиб, физик-механик хусусиятлари UNIEN 14411 (ISO 13006) талабларидан юқорилиғи кўринади.




5-расм. Анъанавий керамик усулда олинган оптимал С-9 ва гелиоматериалшунослик усулида олинган ГС-9 таркибларнинг солиштирма физик-механик кўрсаткичлар диаграммаси

С-9 намунанинг дериватограммасида иситиш эгри чизиғида (6-расм) ўн олтига эндотермик эффект 132, 171, 192, 201, 222, 258, 302, 365, 385, 408, 414, 440, 460 ва иккита экзотермик эффектлар 503 ва 640 кузатилиб, термогравиметрия эгри чизиғи бўйича 60-900 °С ҳарорат оралиғида масса йўқотишининг умумий қиймати 0,40 % ни ташкил қилади.



6-расм. Анъанавий керамик услубида олинган С-9 намуна дериватограммаси


ГС-9 намунасининг иситиш эгри чизиғида (7-расм) 125, 152, 178, 678, 735, 790, 848, 862, 895 даражасида тўққизта эндотермик таъсир, термогравиметрия эгриси бўйича 60-900 °С ҳарорат оралиғида масса йўқотилиши 0,15%.




7-расм. Гелиоматериалшунослик услубида олинган ГС-9 намуна дериватограммаси

Шундай қилиб, аралашмаларни термал ўрганиш таркиб, бошланғич таркибий қисмлар табиати ва уларни тайёрлаш усулларига боғлиқ.

Оптимал С-9 таркиб рентгенфаза услубида, таҳлил қилинганда, асосий фаза α -корунд ($d/n=0,348; 0,255; 0,237; 0,208; 0,173; 0,160; 0,151; 0,140; 0,137; 0,123$ нм) ва кварц ($d/n=0,334$ нм) минералларининг мавжудлиги (8-расм), ГС-9 таркиб учун эса, α -корунд ($d/n=0,347; 0,262; 0,237; 0,210; 0,173; 0,160; 0,151; 0,140; 0,138; 0,121$ нм) ва кварц ($d/n=3,333$ нм) минералларининг мавжудлиги аниқланди (9-расм).



Q - кварц, С - корунд
8-расм. Анъанавий керамик услубда олинган С-9 намуна
рентгеннограммаси




Q - кварц, С - корунд
9-расм. Гелиоматериалшунослик услубда олинган ГС-9 намуна
рентгеннограммаси


Рентгенографик тадқиқотларнинг таҳлили, решётка параметрлари $a=0,476$ нм; $c=1,299$ нм кўрсаткичга тенг, ромбоэдрик шаклдаги кристалл тузилишга эга α -корунд ҳосил бўлганини кўрсатади.

Анъанавий керамик услубда олинган С-9 (10-расм) намунасининг микротузилишида кўриниб турибдики, яримкристалл фазадан кристаллар

шаклланишни бошлаган ва кристалларнинг шакли аниқ эмас. Бу ерда, кристалларнинг қайта кристалланиш жараёни кечади, эримай, қаттиқ фазали синтезланиш содир бўлади ва натижада номукамал α -корунд минералининг бошланғич ҳосил бўлиши содир бўлади.



10-расм. 1550 °Cда куйдирилган С-9 таркибли намунанинг электрон-микроскоп кўриниши




11-расм. Гелиоматериалшунослик услубида олинган ГС-9 таркибли намунанинг электрон-микроскопдаги тасвири

Гелиоматериалшунослик услубида олинган ГС-9 намунасининг микротузилишида, материалнинг бир жинслилиги ва аниқ орторомбик шаклдаги α -корунд ҳосил бўлгани кузатилди. Шунингдек, таркибда бирикма фаза - кварц аниқланган ва асосий орторомбик заррачалар атрофида жойлашган. Ушбу бирикмаларнинг ҳосил бўлиши алюминий оксиди ассоидаги тўйинган қаттиқ бирикманинг парчаланишига юқори мужассамлашган қуёш оқими 250-350 Вт/см² таъсирида ва (10³ град/с) тезликда совутиб олинган эритма натижасида эришилган. Натижада α -корундни метастабил ҳолати, ва бир неча баробар физик-механик хоссалари юқори бўлган материал олинади.

Диссертациянинг «Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли материаллар ишлаб чиқиш технологияси» деб номланган тўртинчи бобда, анъанавий ва гелиоматериалшунослик услубида емирилишга чидамли ва иссиққа бардош ғовакли ғишт ишлаб чиқариш учун втулкалар (кернлар) ва тиббиёт шиша идишлар учун стерженлар - шакл берувчи элемент ишлаб чиқариш технологик параметрлари аниқланиб, тизим таҳлил қилинган.

Анъанавий керамик услубда олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли втулка (керн) ва стерженлар ишлаб чиқариш технологик схемаси 12-расмда берилган ва қуйидаги босқичларни қамраб олади.



12-расм. Анъанавий керамик услубда олинган емирилишга ва термик чидамликка эга втулка ва стерженлар технологик схемаси: 1-3-хوماшё учун бункерлар; 4-тегирмон; 5-виброэлак; 6,9-тарозулар; 7-аралаштиргич; 8-қуритгич; 10-намлагич; 11- пресс; 12-печ; 13-сифат назорати босқичига

Майдалаш. Ҳар бир компонент учун майдалаш жараёнини (материал) : (майдалайдиган жинс) : (сув) = 1 : 1,2 : 1 кесимида 7 соат давомида 0,063 ўлчамли виброэлакларда 5 % қолдиқ қолгунича шарли тегирмонда амалга оширдик. Ушбу жараён компонентларни керакли дисперс ўлчамли заррачалар олишга хизмат қилади. Майдалаш жинслари сифатида корундли шарлардан фойдаландик. Тайёр бўлган аралашмани керакли ўлчамдаги элак ёрдамида ҳар 7 соатда амалга тўкиб алмаштириб турдик. Кейин гипсли идишлар ёрдамида 2 соат давомида қуритилади.

Тортиш. Барча компонентларни масса таркибига қараб Radwag 0.0001гр аниқликдаги электрон тарозисида керакли ўлчамда тортиб олдик.

Аралаштириш. Аралаштириш жараёнини амалга оширишимиздан мақсад гомоген ва қовушқоқ масса олиш эди. Керакли хажмда олинган Шуртан газ-кимё мажмуасининг алюминийли чиқиндиси, Деҳқонобод доломити ва ангрениккиламчи кулранг каолинини V=4 литр ҳажмга эга бўлган фарфорли барабанларда корундли d=6-8мм ўлчамли шарлар ёрдамида 3 соат давомида ҳўл

усулда аралаштирдик. Ушбу жараёндан сўнг аралашма ишлатишга тайёр бўлади.

Олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик намуналарнинг гранулометриқ таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардош керамик намуналарнинг гранулометриқ таркиби

Пресс-кукун намлиги, %	Порошокнинг гранулометриқ таркиби, %			
	2-1 мм	1-0,5 мм	0,5-0,25 мм	<0,25 мм
12-15	1,5	6,6	17,2	74,7

Қуритиш. Қуритиш жараёни СНОЛ 3.5-И1 қуритгич шкафида амалга оширилди.

Массани пресс-формага жойлаш. Майдаланган ва 0,063 ўлчамдаги элакдан ўтказилган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли массани 12-15 % намликгача 10 %ли поливинил спирти билан ахшилаб аралаштирдик ва прессформага жойлаштирдик.

Шакллаш. Шакллаш ярим қуруқ ҳолатида «ЗИМ тип П-50» ГОСТ 8105-73 Р=8МПа маркали прессда амалга оширилди.

Куйдириш. Куйдириш жараёнини масса таркибига қараб 1170 дан 1550 °С гача «ЭМИТРОН-1700» печида максимал ҳароратда 2соат давомида ушлаб туриш орқали амалга оширдик.

Совутиш. Совутиш жараёни печнинг ўзида амалга оширилди.

Куйдириб олинган тайёр маҳсулот сифат назоратидан ўтказилиб, қадоқланиб маҳсулотлар омборига жўнатилади.

Гелиоматериалшунослик услубида олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик втулка (керн) ва стерженлар ишлаб чиқариш тизими анъанавий усулдан фарқ қилиб, хомашёни майдалаш, тортиш, аралаштириш, қуритиш, брикетлаш босқичларидан сўнг Катта Қуёш Сандонида эритиш жараёнига юборилади.

Катта Қуёш Сандонида эритиш. Прессланган брикетларни Катта Қуёш Сандонида жойлаштирамиз ва 250-350 Вт/см² мужассамлашган қуёш оқими зичлигида брикетларга таъсир этамиз. Бу ерда ҳосил бўлган эритмани юқори (10³ град/с) тезликда 40 л ҳажмга эга бўлган поддон ичидаги сувга оқишиш орқали совутиб оламиз. Катта Қуёш Сандони қуввати 1МВт бўлиб 2-3минутда 1кг масса эритиш имконини беради. Тайёр бўлган эритмани поддондан олиб майдалаш жараёнини амалга оширамиз.


3-жадвал

КҚСда олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардош керамик намуналарнинг гранулометриқ таркиби

Пресс-кукун намлиги, %	Порошокнинг гранулометриқ таркиби, %			
	2-1 мм	1-0,5 мм	0,5-0,25 мм	<0,25 мм
12-15	1,0	3,1	5,4	90,5

Олинган эритмани $V=4$ литр хажмга эга бўлган фарфорли барабанларда корундли $d=6-8\text{мм}$ ўлчамли шарлар ёрдамида 3 соат давомида ҳўл усулда аралаштирилади ва қуритиш, массани прессформага жойлаш, шакллаш, куйдириш, совутиш жараёнларидан сўнг тайёр маҳсулот олинади.


Олинган емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли керамик намуналарнинг гранулометриқ таркиби 3-жадвалда келтирилган.



13-расм. Гелиоматериалшунослик услубда олинган емирилига ва термик чидамликка эга втулка ва стерженлар технологик схемаси: 1-3-хомашёлар учун бункерлар; 4,14-тегирмонлар; 5,15-вибрэлак; 6,16-тарозулар; 7-аралаштиргич; 8,13-қуритгич; 9,17-намлигич; 10-брикетлаш қурилмаси; 11-брикетларни КҚСга жойлаштириш ва эритгич; 12-сувли поддон; 18- пресс; 19-печ; 20-сифат назорати босқичига

Катта Қуёш Сандонида синтезлаш билан емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли втулка (керн) ва стерженлар ишлаб чиқариш технологик схемаси 13-расмда берилган.

Катта Қуёш Сандони ҳароратини аниқлаш FLIR A655sc тепловизорида амалга оширилди.



14-расм. Катта Қуёш Сандонида эритилган намуна массаларини FLIR A655sc тепловизорида олинган тасвири

Катта Қуёш Сандонида синтез қилинган (14-расм) ГС-9 таркиб учун қилинган ҳисоб-китобларга кўра гелиоматериалшунослик услубида 350 Вт/см^2 оқимда намуналар ҳарорати $2450 \text{ }^\circ\text{C}$ га етади, бу ҳарорат эса корундни эриш ($T_{\text{эр}}=2054\pm 6$) ҳароратидан баланд. Совутиш тезлиги 10^3 град/с бўлиб, эритмани сувга ташлаш орқали амалга оширилди. Бундай шароитлар юқори ҳароратли метастабил ҳолатни ўрнатишга имкон беради.

Юқорида тавсифланган гелиоматериалшунослик технологиясининг емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли втулка ва стерженлар олишда Катта Қуёш Сандонини қўлланиши $39,9 \%$ иқтисодий самарадорликни ва $13,4 \%$ маҳсулот таннархини арзонлашишига олиб келади. Техник-иқтисодий самарадорлик, материалларнинг юқори физик-механик кўрсаткичларга эга экани билан ҳам эришилади. Бундай юқори кўрсаткичларни анъанавий технологиялар синтезида олиш мумкин эмас.

ХУЛОСА

1. Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли материаллар ишлаб чиқариш тадқиқотлари қаттиқ фазали синтезга асосланган анъанавий керамик усули билан таққосланганда гелиоматериалшунослик усулидан олиш технологияси афзаллиги аниқланди.

2. Мужассамлашган қуёш нурлари таъсирида олинган эритма структурасининг синтез қилинган материалнинг фазавий таркиби ва

тузилишига таъсири, емирилишга чидамлилигини ва иссиққа бардошлигини таяминлаши аниқланган.

3. Ўрганилган «доломит - чиқинди Al_2O_3 - каолин» тизими ёрдамида «таркиб-хосса» диаграммасини тадбиқ этиш билан энг мақбул физик-механик хусусиятларга эга: емирилишга чидамлилиги $0,001 \text{ г/см}^2$ ва иссиққа бардошлилиги 49 циклдан кам бўлмаган С-9 ва ГС-9 таркиблар танлаб олинди.

4. ШГКМ алюминийли чиқиндиси, Дехқонобод доломити ва иккиламчи кулранг Ангрен каолини асосида керамик втулкалар (кернлар) ва стерженлар олишнинг энерготежамкор технологияси яратилди. Бу эса олинган маҳсулотнинг таннархини анъанавий усулда олинган керамик маҳсулотларга нисбатан 13,9 % арзонлиги кўрсатилган.

5. Емирилишга чидамли ва иссиққа бардошли материаллар ишлаб чиқариш технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШЕРМАТОВ ЖАВОХИР ЗАФАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ИЗНОСО- И
ТЕРМОСТОЙКИХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ ТЕХНОГЕННЫХ
ОТХОДОВ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

02.00.15 –Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.2.PhD/T650

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net

Научный руководитель:

Арипова Мастура Хикматовна
доктор технических наук, профессор

**Официальные
оппоненты:**

Рахимов Рахимбой Атажанович
доктор технических наук

Талипов Нигматулла Хамидович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «__» __ 2020 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc30/03.12.2019.T.0.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № __, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «__» 2020 года.
(протокол рассылки № __ от _____ 2020 года).

С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.Э. Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н. (DSc)

З.А. Бабаханова
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время износостойкие и термостойкие керамические материалы благодаря своим уникальным физико-техническим свойствам широко используются в машиностроении, химической, текстильной, горно-металлургической, медицинской, строительной и в других отраслях промышленности. Ведущими производителями этих материалов являются США, Германия, Италия, Франция, Китай и Россия, которые получают изделия из чистых реактивов и сырьевых компонентов твёрдофазовым спеканием традиционным методом.

В мире интенсивно ведутся научно-исследовательские работы по получению износостойких и термостойких керамических материалов нетрадиционным методом гелиоматериаловедения на Солнечной Печи, который позволяет в сотни раз повысить скорость нагрева, получать и фиксировать расплавы с определенным составом кластерного строения и тем самым получать материалы с заданными физико-механическими свойствами.

В последние годы в Республике достигнуты определённые результаты в модернизации химической промышленности, расширении номенклатуры и размеров конкурентоспособной продукции, разработке технологий производства износостойких и термостойких керамических материалов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи «поднять промышленность на качественно новый уровень, глубокую переработку местного сырья, ускорение готовой продукции, освоение новых видов продукции и технологий»¹. В связи с этим важно изучить общие закономерности получения материалов традиционным керамическим методом и методом гелиоматериаловедения, изучить взаимодействие концентрированного солнечного света с материалами и определить физико-химические процессы синтеза из расплава, разработать технологии и составы для производства износостойких и термостойких керамических материалов.

Данная диссертационная работа в определённой степени служит выполнению задач, отмеченных в УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-2916 от 21 апреля 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию и развитию системы обращения с отходами», ПП-3379 от 8 ноября 2017 года «О мерах по обеспечению рационального использования энергоресурсов» и ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности», а также другим нормативно-правовым документам, принятым в данной сфере.

Соответствие исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Республики Узбекистан - III. "Развитие использования возобновляемых источников энергии", VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

